

ҚҮҚОНДА “ТУРКИЙ ТИЛЛИ ЁШЛАР” ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ БҮЛИБ ҮТАДИ

Жорий йил 11-15 июль кунлари Қўқон шаҳрида “Туркий тилли ёшлар” халқаро фестивали бўлиб үтади. Фарғона вилояти ҳокимлиги, Маданият ва туризм вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги томонидан Халқаро Туркий маданият ташкилоти – ТУРКСОЙ билан ҳамкорликда ташкил этилаётган фестиваль, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 июлдаги “Туркий давлатлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-338-сон Қарори иловаси билан вилоятимизда ўtkазилиши белгиланган маданий-маърифий тадбирлар Дастури доирасида ўtkазилади.

Асосий тадбирлар Қўқон университети ҳудудида бўлиб ўтиши режалаштирилаётган халқаро фестивалга Республикализнинг барча ҳудудларидан, шунингдек, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Туркиядан жами 200 нафардан зиёд фаол ёшлар ва талабалар таклиф этилган.

Фестиваль доирасида китобхонлик куни, миллий ва этноспорт турлари бўйича спорт мусобақалари, маданий-қўнгилочар тадбирлар, ёшлар учун бизнесни ташкил қилиш, ҳунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаш бўйича давра сухбатлари, ёшлар билан таникли театр ва кино ижодкорларининг ижодий мулоқотлари ҳам ташкил этилади.

Фестиваль кунларида бўлиб ўтадиган Туркий тилли ёшларнинг “Дўстлик” кечаси, Қўқон шаҳридаги диққатга сазовор жойларга саёҳат, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси, Риштондаги Халқаро Кулолчилик маркази ҳамда Учкўприк туманидаги “Мехригиё” кичик корхонаси лавандада боғларига ташриф ҳам иштирокчи ёшларга ўзига хос кайфият улашади.

“Туркий тилли ёшлар” халқаро фестивалининг ёпилиш маросими ва санъат юлдузлари иштирокидаги гала-концерт Ўрда майдонида бўлиб үтади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-07-03 11:55:16